

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.07/30.12.2019.Yu.22.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕКМИРЗАЕВ НОДИР БУРХАНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ  
КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ**

**12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент — 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy**  
**(PhD)**

**Бекмирзаев Нодир Бурханович**

Ўзбекистонда фуқаролар сиёсий ҳуқуқларининг конституциявий асослари...3

**Бекмирзаев Нодир Бурханович**

Конституционные основы политических прав граждан в Узбекистане.....19

**Bekmirzayev Nodir Burkhanovich**

Constitutional Foundations Of Citizens' Political Rights In Uzbekistan.....35

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.07/30.12.2019.Yu.22.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕКМИРЗАЕВ НОДИР БУРХАНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР СИЁСИЙ ХУҚУҚЛАРИНИНГ  
КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ**

**12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент — 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Yu104 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsul.uz/uz/avtoreferatlar](http://www.tsul.uz/uz/avtoreferatlar)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рахимов Фахри Хайдарович**  
юридик фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Рўзметов Хайрулло Ибодуллаевич**  
юридик фанлар доктори

**Турғунов Илҳом Турғунович**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Етакчिताшқилот:**

**Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси миллий  
маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “5” февралькуни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (998) 71-233-66-36; факс: (998) 71-233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (955 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил январда тарқатилди.

(2021 йил « » январдаги 1 рақамли реестр баённомаси).

**Р.Р. Ҳақимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**И.Р. Беков**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, профессор. в.б.

**М.А. Аҳмедшаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларининг мавқеи, уларнинг халқаро майдондаги ўрни, бошқа давлатларнинг ушбу мамлакатга муносабати, мамлакатда фуқаролар сиёсий ҳуқуқларининг қонунларда белгиланиши ва уларнинг таъминланиши билан ҳамбелгиланади. Шу туфайли фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини такомиллаштириш ва кенгайтириш унинг ҳақиқий ижроси, ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш, давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштироки ва демократик тамойилларга амал қилиш, илмий тадқиқотлар заруратини туғдиради.

Ҳозирги кунда қатор давлатларда турли тўқнашувлар, можаролар ҳамда ноқонуний қўчага чиқишлар ва намойишлар оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилмоқда. Шу жараёнда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини белгилаш ва унга риоя қилиш ўта долзарб аҳамият касб этади. Бунда асосий масала инсон ҳуқуқлари бўйича **халқаро ҳужжатлар**: “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”да белгиланган сиёсий ҳуқуқларни конституциявий даражада белгилаш ва уларни тўла таъминлаш бўлиб, бу БМТга аъзо бўлган давлатларнинг асосий мажбурияти ҳисобланади ва ҳозирги кунда барча демократик давлатлар шу мажбуриятларни бажаришга интиломоқда.

Жаҳонда фуқаролар ҳуқуқларини тўғри белгилаш, уларни таъминлашнинг самарали механизмларини яратиш, сиёсий ҳуқуқлар қафолатларини кучайтириш бўйича турли йўналишларда илмий тадқиқотлар йўлга қўйилиб, уларнинг натижалари барча давлатлар фаолиятида қўлланилмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда. Шунингдек, фуқаролар ҳуқуқларининг ҳақиқий аҳволи нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан мониторинг қилинмоқда. Тегишли давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳолати ҳақида БМТга тақдим қилинадиган маърузаларда илмий тадқиқотлар натижаларидан ҳам фойдаланиляпти.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини белгилаш, уни таъминлаш масаласида халқаро ҳужжатларга амал қилиш билан чекланмай, инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда таъминлаш механизмини янада кучайтириш бўйича ташаббуслар билан чиқмоқда. 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ш.Мирзиёев “Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенция ишлаб чиқишни таклиф этди. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши ёшларнинг сиёсий институтлардаги иштирокини кенгайтириши, бу эса, ўз навбатида, сиёсий ҳуқуқларни кенгайтиришга олиб келиши Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумида алоҳида таъкидланди. Бу ҳам мазкур масалада илмий тадқиқотлар олиб бориш заруратини туғдиради.

Мамлакатимиз тўлақонли БМТ аъзоси сифатида инсон ҳуқуқларига халқаро ҳужжатлар талаби асосида ёндашмоқда. Конституциямизда инсон ҳуқуқлари “Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар”, “Сиёсий ҳуқуқлар” ва “Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар”га бўлиниб мустақамланган, “Сиёсий ҳуқуқлар”

қаторида кўрсатилган ҳуқуқлар энг демократик мамлакатлар конституцияларида белгиланган ҳуқуқларга мос келади. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларининг, жумладан, “Сиёсий ҳуқуқлар”ни фақат Конституцияда белгилаб қўйилишининг ўзи етарли эмас. Ҳуқуқларнинг таъминланиши фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ таъминлашда, авваламбор, назарий асосларга биноан кучли механизми яратилмаса, кўзланган мақсадга эришилмайди. Шунинг учун Ўзбекистонда фуқаролар сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлган сайлов қонунчилигини мужассамлаштириш, такомиллаштириш зарурати мавжудлиги ва сайлов қонунчилигини янада ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексини қабул қилишни тақозо этди.

“2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг иккинчи бўлим 2.2.-банди “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш”га<sup>1</sup> бағишланиб, унда аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу ҳужжат ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида инсон ҳуқуқлари бўйича белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмини халқаро талаблар даражасида бўлишига эришишда, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 22 июнда қабул қилинган Фармони билан тасдиқланган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси”<sup>2</sup> муҳим роль ўйнади. Белгиланган тадбирларни амалиётда ўзўрнини топишига илмий тадқиқотлар, жумладан, мазкур тадқиқот натижа ва ҳужжатлари амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги “Конституция ва қонун устуворлиги ҳамда қонунийлик тамойилларини сўзсиз таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир”<sup>3</sup> деган сўзлари ҳам мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати” тўғрисидаги қонунлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияси ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни

<sup>1</sup>“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда

<sup>2</sup>“Халқ сўзи”, 2020 йил 26 июнь

<sup>3</sup>Мирзиёев Ш.М. Халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.: Ўзбекистон 2018 йил. 2-том, 39-бет

маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммони ўрганганлик даражаси.** Давлат ва жамият қурилишида, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланишида сиёсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлар институти муҳим бўлганлиги учун у турли соҳа мутахассислари, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар диққатини ўзига жалб этмоқда.

Мамлакатимизда бир неча илмийтадқиқот ишлари масаланинг умумназарий, умумметодологик томонларига қаратилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач тегишли мавзунинг турли жиҳатлари ўзбек олимлари А.А.Агзамхўжаев, А.А.Азизхўжаев, З.М.Исломов, Х.Т.Одилқориев, Ф.Х.Рахимов, А.Х.Саидов, М.А.Ахмадшаева, О.Т.Хусанов, Ш.Х.Файзиев томонидан ўрганилган.

Ҳуқуқшунос олимлар А.Х. Саидов, Х.Б.Бобоев, И. Беков, А.Р. Караходжаева ва бошқалар фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларининг конституциявий асосларига боғлиқ мавзулар бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Хорижий муаллифлар: А.А.Афанасьев, А.Н.Акимов, М.Л. Жалина, С.А.Зайцев, А.А.Садиков, А.В.Лебедев, Ю.С.Москтовченко, А.А. Пятак, Н.В.Черединая<sup>4</sup> илмий изланишларини мазкур мавзунинг у ёки бу жиҳатларига қаратганлар.

Юқоридаги муаллифларнинг ишлари, тадқиқот мавзуси ва ундаги муаммоларни тўғри англашга ёрдам берди ва тадқиқотимизни тўғри йўналишда олиб боришга ўз ҳиссасини қўшди.

Афсуски, мазкур мавзуда хорижий мамлакатлардаги тадқиқот ишлар салмоғи билан бизда олиб борилган ва олиб борилаётган ишлар салмоғини солиштирсак, мамлакатимиздаги тадқиқот ишлари салмоғи катта эмас. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафолатлари, механизмлари, шунингдек, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари бўйича йирик монографик тадқиқотлар деярли олиб борилмаган. Шу жиҳатдан қараганда, бизнинг ишимизни дастлабки тадқиқотлардан, деб ҳисоблаш мумкин.

**Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълиммуассасаси илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Тадқиқот мавзуси Тошкент давлат юридик университетнинг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, “Демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини эркинлаштиришининг асосий йўналишлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари кафолатлари ва амалга ошириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини, назарий ҳамда конституциявий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

---

<sup>4</sup>Номлари қайд қилинган муаллифларнинг илмий ишлари, диссертациянинг адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш масаласини ёритиб бериш;

сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишнинг асосий механизмларини кўрсатиб бериш;

сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан самарали ҳимоя қилиниши кафолатлари тизимини ҳамда унинг асосий элементларини аниқлаш;

сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар белгиланиши ҳамда таъминланиши масаласини хорижий мамлакатлар тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш орқали кўрсатиб бериш;

сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш масаласини ўрганиб, уни тартибга солиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

олинган натижалар асосида Ўзбекистонда сиёсий ҳуқуқларни таъминлашни янада такомиллаштириш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳамда уларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги ғоялар, қарашлар, ҳуқуқий асослар, сиёсий ҳуқуқ ҳамда эркинликларнинг белгиланиши, таъминланиши, ҳуқуқий механизмлари, кафолатлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.**Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, индукция, дедукция, мантиқ ва тадқиқот олиб боришдаги бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ахборот тўплаш ва эксперт баҳолаш топширилган шахслар бундай ҳаракат учун таъқиб қилиниши ёхуд ҳуқуқлари бошқача тарзда чекланишининг олдини олиш мақсадида вакил томонидан шикоятлар кўриб чиқиладиганда шахсий ва ижтимоий мавқеига ҳамда юридик шахсларнинг мулк шакли, ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ҳолатларга қараб камситилишига йўл қўйилмаслиги лозимлиги асосланган;

фуқароларнинг мурожаат қилиш соҳасида сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига, келиб тушаётган мурожаатларни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қабул қилиш, тўплаш, тизимлаштириш ва уларнинг сифатли кўриб чиқиши устидан мониторинг ҳамда назоратни амалга ошириш зарурлиги асослаб берилган;

ўзини қизиқтирадиган масала юзасидан тезкор тартибда ахборот олиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўртасида ахборот айирбошлаш йўли билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонанинг ваколатлари ҳамда мажбуриятларини аниқ белгилаш, уларни мурожаатларга доир масалалар бўйича реал вақт режимида маслаҳатлар бериш ҳамда давлат органларининг, ташкилотларнинг



ва улар мансабдор шахсларнинг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш зарурати асослантирилган;

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили арз қилувчига ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шикоятларни кўриб чиқиш шартлари, талаблари ҳамда шикоятларни кўриб чиқиш вақтидаги ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаши зарурати асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тушунчаси аниқлаштирилиб, унинг бошқа турдаги ҳуқуқлардан асосий фарқи кўрсатилган;

сиёсий ҳуқуқларни вужудга келтирувчи омиллар тизими аниқланган;

сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланувчи субъектлар доираси аниқланган;

сиёсий ҳуқуқларни давлат хизмати билан боғлиқ томонлари аниқланиб, “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳасига таклиф берилган.

**Тадқиқот натижаларини ишончлилиги.** Амалга оширилган тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва асосан, миллий қонунчилик нормалари, айрим давлатлар тажрибаси, қонунларни ижро қилиш ҳамда қўллаш амалиёти, олимларнинг фикрлари ҳамда қарашлари таҳлил этилиб умумлаштирилган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Берилган таклиф хулоса ҳамда тавсиялар муҳокамалардан ўтказилиб, натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар тегишли тарзда ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан Конституцияда белгиланган сиёсий ҳуқуқларни илмий шарҳлашда, уларни ҳаётга татбиқ этиш учун қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминловчи тузилмалар ходимларининг билимларини ошириш ҳамда Конституциявий ҳуқуқ фани, “Инсон ҳуқуқлари” махсус курслари бўйича ўқув материалларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда фуқаролар сиёсий ҳуқуқларининг конституциявий асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ахборот тўплаш ва эксперт баҳолаш топширилган шахслар бундай ҳаракат учун таъқиб қилиниши ёхуд ҳуқуқлари бошқача тарзда чекланишининг олдини олиш мақсадида вакил томонидан шикоятлар кўриб чиқиладиганда шахсий ва ижтимоий мавқеига ҳамда юридик шахсларнинг мулк шакли, ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ҳолатларига қараб, камситилишига йўл қўйилмаслиги лозимлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасининг ишлаб чиқилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг

2019 йил 19 февралдаги 05/01-02-200-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ахборот тўплаш ва уни таҳлил этиш ёки эксперт баҳоси бериш топширилган шахслар бундай ҳаракат учун таъқиб қилиниши ёхуд ҳуқуқлари бошқача тарзда чекланишини олдини олишга хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси келиб тушаётган мурожаатларни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қабул қилиш, тўплаш, тизимлаштириш ва уларнинг сифатли кўриб чиқирилиши устидан мониторинг ҳамда назоратни амалга ошириш зарурлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2019 йил 19 февралдаги 05/01-02-200-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши фуқароларнинг мурожаатларини тўлиқ, ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқирилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонанинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини аниқ белгилаш, уларни мурожаатларга доир масалалар бўйича реал вақт режимида маслаҳатлар бериш ҳамда давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш зарурлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 11 — 14-моддалари ишлаб чиқирилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2019 йил 19 февралдаги 05/01-02-200-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонанинг мажбуриятларини, реал вақт режимида давлат органларининг, ташкилотларнинг фуқароларнинг қабуллари ташкил этишни аниқ белгилашга хизмат қилган;

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили арз қилувчига ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шикоятларни кўриб чиқиш шартлари, талаблари ҳамда шикоятларни кўриб чиқиш вақтидаги ҳуқуқларини тўлақонли таъминлашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонунининг 10,11,12,14-моддалари ишлаб чиқирилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2019 йил 19 февралдаги 05/01-02-200-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини

бузаётган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқишнинг самарали механизмини амалга оширишга хизмат қилган;

**Тадқиқот ишларининг апробацияси.**Тадқиқотнинг асосий илмий натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбати ва семинарларда синовдан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 17та илмий иш нашр қилинган, жумладан, 10таси илмий мақолалар, улардан иккитаси хорижда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарб ва зарурлиги, унинг республика фан ҳамда технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги давлат сиёсати билан боғлиқлиги, инсон ҳуқуқлари мавзуси халқаро аҳамиятдаги масала эканлиги, мавзуни хорижда ва республикада ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг асосий илмийтадқиқот дастури билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларнинг ишончлиги, илмий ва амалий аҳамияти, синовдан ўтганлиги, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянингтузилиши кўрсатиб берилган.

**“Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг назарий ва ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида масаланинг назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилган. Бунда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши инсон ҳуқуқларига нисбатан демократик тамойиллар асосида ёндашувга ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларидан фойдаланишда асос бўлганлиги алоҳида кўрсатилади.

Мазкур бобнинг **“Ўзбекистон фуқароларини сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларининг тушунчаси, моҳияти ва табиати”**деб номланган биринчи параграфида Ўзбекистон юридик фанлари доирасида биринчи марта фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликлар тизимидаги ўрни илмий тадқиқ қилинган. Шу доирада Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларининг тушунчаси, бошқа асосий ҳуқуқлардан фарқи, мазмун-моҳияти, юридик табиатини очиш орқали бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг фуқаролар тақдиридаги ўрни кўрсатиб берилган. Шунингдек, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари масаласига халқаро ёндашув, бу ҳуқуқларни халқаро ва миллий ҳужжатларда белгиланиши таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Конституциясида сиёсий ҳуқуқларни белгилаш даражаси халқаро талабларга тўла жавоб бериши ҳақида хулоса чиқарилган. Тегишли

параграфда мазкур мавзуга доир хориж тажрибаси ҳам ўрганилиб, илмий ёндашувлар қилинган.

**“Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари тизими ва турлари”** деб номланган иккинчи параграфда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари элементлари икки кичик тизимга бўлиб ўрганилади. Биринчи гуруҳга фуқароларнинг давлатни бошқарувда, давлат органларини тузишда иштирокини таъминловчи — сайлов ҳуқуқи, референдумда қатнашиш ҳуқуқи, давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқи киритилиб, уларнинг амал қилиши ўрганилган бўлса, иккинчи гуруҳга фуқароларнинг жамият ишларида иштирокини таъминловчи: жамоат бирлашмаларига бирлашиш, оммавий тадбирларда қатнашиш ҳуқуқлари таҳлил қилинган ҳамда конституцияда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари бобида кўрсатилган сўз, матбуот эркинлиги орқали ҳам сиёсий ҳаётда иштирок этиш мумкинлиги ҳақида фикр билдирилган. Ўзбекистон Республикасида демократия кенгайиб бораётганлигининг амалий ифодаси сифатида Конституциянинг 32-моддасига “жамоатчилик назорати” фуқароларнинг давлат ишларида иштироки воситалари сифатида киритилганлиги қайд қилинган. Бу параграфда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тизимига кирувчи ҳар бир ҳуқуқнинг моҳияти, аҳамияти, вазифаси илмий таҳлил қилинган бу борадаги олимлар, илмий ходимларнинг турли қарашлари қиёсий ўрганилган.

**“Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш”** деб номланган учинчи параграфда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини Ўзбекистон Конституциясида белгиланишининг ўзига хос хусусиятлари, бунда нима учун айнан шу ҳуқуқлар сиёсий ҳуқуқлар ҳисобланиши кўрсатилган. Конституцияда сиёсий ҳуқуқлар алоҳида бобда кўрсатилиши, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунишга ёрдам бериш ва бу ёндашув конституциявий тажрибада ижобий ҳол эканлиги кўрсатиб берилган. Шунингдек, тегишли бандда фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари Конституциянинг бошқа бобларида ҳам (масалан, сайлов ҳуқуқи) мавжудлиги кўрсатилиб, шу ҳуқуқлар ҳам илмий таҳлил қилинган. Мазкур параграфда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини Конституциявий белгиланишининг хориж тажрибаси қиёсий ўрганилган.

**“Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари”** деб номланган иккинчи бобда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари Конституцияда белгилаб қўйилишини ўзи масалани тўла ҳал қилмаслиги, асосий масалабелгиланган ҳуқуқ ва эркинликларни, амалга ошириш механизми мавжуд бўлиши ҳақида фикр юритилган ҳамда айрим ҳолларда сиёсий ҳуқуқ ҳамда эркинликларни чеклашга зарурат бўлиши, шу масалани ҳал қилиш йўллари кўрсатилган.

Бобнинг **“Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишнинг шакл ва методлари”** деб номланган биринчи параграфда Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ҳамда эркинликларни амалга ошириш учун кейинги уч йилда мамлакатимизда ўтказилган тадбирлар, қабул қилинган ҳужжатлар таҳлил қилинган, муаммолар аниқланиб, уларнинг ечимини топишда Президент Ш.Мирзиёевнинг концептуал ғояларига таянилган

ва у ғоялар асосида фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қилинган ишлар кўрсатиб берилган.

Мамлакатимизда фуқароликка қабул қилиш масаласига янгича ёндашув ҳамда фуқароликка қабул қилиш қоидаларини осонлаштирган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”<sup>5</sup>2020 йил 13 мартдаги қонун, мамлакатимизда яшовчи аҳоли учун сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти кенгайганлигини кўрсатади.<sup>6</sup> “Ўзбекистон Республикаси сайлов кодекси”нинг қабул қилиниши ва унга асосан, сайлов ҳуқуқидан фойдаланувчилар сонининг ўсиши эса, Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳужжатлар қоидаларига содиқ қолаётгани ҳам муаллиф эътиборидан четда қолмаган.<sup>7</sup>

Мазкур бобнинг **“Ўзбекистон фуқароларини сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш”** деб номланган иккинчи параграфида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаси бўлиши билан бирга, айрим вазиятларда сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш ҳолатлари бўлиши, бу халқаро тажрибада ҳам учраши кўрсатилган. Шунингдек, чеклаш асосли, қонуний бўлиши хусусида фикр юритилиб, аксарият ҳолларда чеклаш фуқаролар манфаати, хавфсизлиги, ҳаёти, соғлиғи ҳамда миллий хавфсизлик билан боғлиқ бўлишлиги асосланиб, чеклашни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжат концепцияси лойиҳаси илгари сурилган. Шунингдек, сиёсий ҳуқуқларни чеклаш зарурати, уни келтириб чиқарадиган шароитлар ҳамда ҳуқуқ-эркинликлари ҳуқуқий асослари оптималлаштириш масалалари тадқиқ қилинган ва тегишли хулоса ҳамда таклифлар билдирилган.

**“Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини оптималлаштириш”**деб номланган учинчи параграфда конституциявий нормалар анализ қилиниб, Конституцияда фуқароларнинг давлат хизмати ўташни таъминловчи ҳуқуқи” мустаҳкамланмаганлиги ҳақидаги муаммо аниқланган. Бу муаммонинг ҳал қилиниши эса фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини таъминланиши самарасини оширган бўлар эди. Буни асоси сифатида шундай ҳуқуқ хорижий мамлакатлар конституцияларида, жумладан, Россия (21-м, 4 қисм), Испания (23-м 2-қисм), Қозоғистон (33-м, 4-қисм), Туркия (70-71 моддалар), Малайзия (10-қисм), Италия (51-модда) давлатлари қонунларида мавжудлиги келтирилган.

Хорижий мамлакатларни тажрибаси ижобий ҳисобланиб, Ўзбекистон Конституциясида ҳам давлат хизматида тааллуқли норма бўлиши мақсадга мувофиқ бўлар эди, деган хулосага келинган. Шунинг учун Конституциянинг VIII бобига қуйидаги мазмунда махсус модда киритиш ҳақидаги таклиф

<sup>5</sup>“Халқ сўзи”, 2020 йил 14 март

<sup>6</sup>Маълумотларга кўра, 1991 — 2007 йилларда атиги 482 нафар шахс Ўзбекистон фуқаролигига олинган бўлса, 2007 йил декабрдан 2016 йил декабргача ҳеч кимга фуқаролик берилмаган. Бу масалага янгича ёндашув асосида 2016 йилдан бугунги кунга қадар 13 мингдан ортиқ шахслар фуқароликка қабул қилинган. Янги қонун асосида 47600 киши фуқароликка эга бўлиш имкониятига эга бўлди. – Халқ сўзи, 2020 йил 17 март

вужудга келди: “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат хизматига кириш (шуғулланиш) ҳуқуқига эга. Давлат хизматига даъвогарларга қўйиладиган талаблар, мансаб мажбуриятидан келиб чиқади ва қонун билан белгиланади”.

Шунингдек, Ўзбекистонда “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонун қабул қилиш жараёнини тезлаштириш фурсати етди. Бу кўпгина масалаларни ҳал этади, деган фикр илгари сурилган.

Тадқиқот натижасида муаллиф фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишининг ҳуқуқий оптималлаштириш мақсадида фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини амалга оширувчи митинг, йиғилиш ва намойиш ўтказишга бўлган ҳуқуқларини (Конституция 33-модда) таъминлаш чораларини кучайтириш ҳақида хулосага келган. Хорижий мамлакатларда ижтимоий фаолликнинг бошқа шаклларида ҳам фойдаланишлиги, белгиланганлиги, жумладан: Россия Федерацияси (31-модда), Қозоғистон (32-модда), Беларусь Республикаси (35-модда), Латвия (32-модда) Конституциялари мисолида кўрсатилган. Фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини белгиловчи Россия, Беларусь Республикаси, Қозоғистон, АҚШ, Германия, Франция, Япония, Швеция Конституциялари нормалари қиёсий таҳлил қилинган ва шулар асосида “Ўзбекистон Республикасида митинглар, йиғилишлар, намойишлар ўтказиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиш ҳақида таклиф илгари сурилган. Бу таклиф фуқаролар ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни кучайтириши ҳақидаги хулосани вужудга келтирган.

**“Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг Конституциявий асослари”**га бағишланган учинчи бобда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилиш, ҳимоялаш тушунчаси, аҳамияти, механизмлари, кафолатларига боғлиқ назарий масалалар хусусида илмий мушоҳада қилинади.

**“Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши моҳияти ва мазмуни”** деб номланган биринчи параграфда масала ва муаммони назарий-ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ қилинган бўлиб, унда сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш зарурати, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилувчи институтлар, бунда миллий институтлар ҳамда халқаро институтларнинг ўзаро муносабати, сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда нодавлат ташкилотларнинг роли кўрсатилган. Мазкур масаладаги муаммолар аниқланиб, уларни ҳал қилиш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

Иккинчи **“Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиниши механизми”** параграфида масаланинг амалий томонларига эътибор берилиб, ҳуқуқ ҳамда эркинликларни Конституцияда белгилаш билан кифояланиш мумкин эмаслиги, ҳуқуқ ва эркинликларга амал қилишни, ҳимоялашни таъминловчи кучли механизм мавжуд бўлиши илмий асосланган. Шу доирада ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашнинг механизмлари ҳақида турли қараш ва фикрлар (В.А.Карташкин, Д.М.Чечот, Е.А.Лукинова, М.С.Нажейкович, М.М.Утяшев, А.Х.Саидов, О.Т.Хусанов) таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур параграфда ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий механизмлари ҳар томонлама кўриб чиқилиб, бу борадаги жамоатчилик фаолияти, ҳуқуқ ва

эркинликларини ҳимоялашнинг халқаро-ҳуқуқий шакллари ҳақида фикр юритилган.

**“Ўзбекистон фуқароларини сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини давлат ҳимояси кафолатлари”** деб номланган учинчи параграфда кафолатлар тушунчаси, роли, аҳамияти, уларнинг ҳуқуқий таъминоти, амалга оширишнинг кўринишлари, методлари ҳамда шакллари тизимли ўрганилган ва тегишли хулосалар қилинган. Бунда Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолати учун махсус боб ажратилганлиги жаҳон конституциявий ривожланиш тажрибасида ижобий ҳол эканлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини асосий кафолатловчи – давлат эканлиги, ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлари орасида уларни суд ҳокимияти томонидан кафолатланиши салмоқли ўрин эгаллаши ҳақидаги фикрга асосланган.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий-ҳуқуқий фанлар асосида ўрганиш, таҳлил қилиш, айрим хулосаларни ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни вужудга келтирди.

### **I Илмий-назарий хулосалар:**

1. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг умумий тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Улар шахснинг асосий манфаати, кадр-қимматидан келиб чиқиб, шуларни ҳимоя қилади. Бу ҳуқуқлар шахснинг субъектив ҳуқуқи ҳисобланади. Бу ҳуқуқларни давлат белгилайди ва таъминлаш мажбуриятини олади. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция даражасида мустаҳкамланади ва умумэтироф этилган халқаро нормалар билан ҳам ҳимояланади. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар фақат фуқароларга тегишли бўлиб, чет эл фуқаролари ва фуқароликка эга бўлмаган шахсларни бундай ҳуқуқдан фойдаланиши кўшимча тарзда белгиланади. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлардан барча фуқаролар бирдек фойдаланади.

2. Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифи берилди: Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари, бу — Конституцияда мустаҳкамланган, ҳар бир фуқаронинг ажралмас ҳуқуқи бўлиб, улар ҳар бир фуқарони сиёсий муносабатларда иштирокчи сифатида намоён бўлишга, бирлашмалар, ҳаракатлар, алоҳида гуруҳлар таркибида сиёсий тизимда иштирок этишга кафолатланган имкониятдир.

3. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларининг қуйидаги ҳуқуқий белгилари аниқланган: Сиёсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлар бошқа ҳуқуқ ва эркинликлардан, жумладан, жамиятнинг ҳар бир аъзосига (шахслар) унинг кимлигидан қатъи назар, тегишли бўлган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардан фарқ қилиб, фақат шу мамлакатнинг фуқароларига тегишли бўлади. Бунинг сабаби сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар мамлакатда сиёсий ҳокимиятни амалга оширишга қаратилгандир.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари қуйидаги белгиларга (критерий) қараб туркумланади:

— биринчи, амалга ошириш имкониятига қараб: а) амалга ошириш субъектни эркига боғлиқ мутлақ ҳуқуқлар (мурожаат қилиш ҳуқуқи); б) амалга ошириш субъектни эркидан ташқари бошқа ташқи факторларга боғлиқ нисбий ҳуқуқлар (сайлов ҳуқуқи, референдумда қатнашиш ҳуқуқи, митинг, намойиш йиғилишларда иштирок этиш ҳуқуқи);

— иккинчи, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширувчи давлат органларининг турига қараб: а) ҳокимият ваколоти йўқ давлат органлари амалга оширадиган ҳуқуқлар (сайлов комиссиялари амалга оширадиган сайлов ҳуқуқлари); б) давлат ҳокимияти органлари амалга ошириладиган ҳуқуқлар (масалан, мурожаат қилиш ҳуқуқи); маҳаллий ҳокимият органлари амалга оширадиган ҳуқуқлар (масалан, митинг, намойиш, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқи);

— учинчи, маъмурий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш усулига қараб бўлинади: а) суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлар; б) давлат органларида фуқаролар шикояти асосида кўриладиганишларга боғлиқ ҳуқуқ ва эркинликлар.

— тўртинчи, амал қилиш вақтига қараб бўлинади: а) маълум вақтда амал қилинадиган ҳуқуқлар, жумладан, сайлов ҳуқуқи, референдумда иштирок этиш ҳуқуқи; б) ҳамма вақт амал қилинадиган ҳуқуқлар, жумладан, мурожаат этиш ҳуқуқи, жамоат бирлашмаларига бирлашиш, сўз эркинлиги.

— бешинчи, адресат бўйича қуйидагиларга бўлинади: 1) айрим доирасидаги шахсларга қаратилган ҳуқуқлар, хусусан сайлов комиссияси аъзолари ҳуқуқлари; фуқароларнинг давлат хизматидан тенг фойдаланиш ҳуқуқи; 2) давлатнинг барча фуқароларига қаратилган ҳуқуқлар, хусусан фикр ва сўз эркинлиги; бирлашиш ҳуқуқи;

— олтинчи, амал қилиш шаклига қараб бўлинади: а) фаол шаклда амалга ошириладиган ҳуқуқлар, жумладан, сайлаш ҳуқуқи, мурожаат ҳуқуқи, митинг намойиш, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқи; б) пассив ҳолда амалга ошириладиган ҳуқуқлар, жумладан, давлат органларига сайланиш ҳуқуқи.

4. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишда бу ҳуқуқларнинг кафолатлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Аммо кафолатнинг ўзи мазкур ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлай олмайди. Кафолатнинг амал қилиши учун фуқарога моддий, сиёсий, ижтимоий ва амалий шароитлар яратилиши муҳим бўлиб, шундагина фуқароларнинг ҳуқуқлари амалга ошиши мумкин. Бундай шароитларни яратиш давлат мажбурияти ҳисобланади. Кўп ҳолларда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари амалга ошишида давлатнинг фаоллиги муҳим роль ўйнайди.

5. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амал қилиш тизимида ҳуқуқ ва эркинликларни зарурий чеклаш механизми маълум роль ўйнайди. Сиёсий ҳуқуқларни конституциявий чегаралашни сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: улар ноқулай шароитда бўлиши (маълум қадриятларга зарар етказиши), бошқа шахс жамият манфаатларига зид ҳаракатлар бўлиши, хавфсизликка таҳдид қилиши мумкин.



6. Шахс ва фуқароларнинг конституциявий — ҳуқуқий мақоми ҳуқуқ, эркинлик, бурчларидан иборат бўлиб, инсонларнинг бир-бири билан ҳамда шахс, жамият, давлат ўртасида зарурий муносабатларни вужудга келтиради. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш шахснинг фуқаровий бурчи билан боғлиқ. Шунинг учун, албатта, сиёсий ҳуқуқлардаги фойдаланишда маълум чеклашларни бўлиши табиий ҳол бўлиб, бу эркинликларни чеклашлар чегараси инсонпарварлик, адолат, ахлоқий нуқтаи назардан қонун билан ўрнатилади.

7. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш расмий-ҳуқуқий маънода Конституция ва қонунлар билан ўрнатилган фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнидаги чора бўлиб, у конституциявий аҳамиятга эга қадриятларни муҳофаза қилишни, фуқаро, жамият, давлат манфаатларида мувозанат бўлишини назарда тутди. Чеклашлар сиёсий ҳуқуқлар билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга таъсир қилиб, маълум шаклларда (тақиқлаш, тўхтатиш, мажбурият юклаш, мажбурлаш, жазолаш, имконият бермаслик) намоён бўлади.

8. Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига ҳос жиҳат улар зарур ҳолларда чегараланиш билан бирга, ҳар қандай ҳолатда кучли, таъсирли восита ва методлар тизими орқали ҳимоя ҳам қилинади. Ҳимоя тизими конституциявий судлов механизми (Конституциявий суд), суд ҳимояси (умумий юрисдикция судлов фаолияти), фуқаролар томонидан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, халқаро-ҳуқуқий механизмдан иборатдир.

## **II. Норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

9. Ўзбекистон қонунчилигида — конституциявий даражада ҳам, жорий қонунчиликда ҳам, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашда маълум бўшлиқ мавжуд. Аниқроғи, фуқароларнинг давлат бошқарувида иштироки билан боғлиқ, барча фуқароларнинг давлат хизматига руҳсат берилиши қонунчиликда белгиланмаган. Шунинг учун фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини кенгайтириш ва кафолатини кучайтириш мақсадида давлат хизматига ҳар бир фуқарони кира олишини таъминловчи ҳуқуқий норма, аввало, Конституцияга киритилиши мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VIII бобига “Ўзбекистон фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга. Давлат хизматчиси номзодига қўйиладиган талаблар мансаб мажбуриятларидан келиб чиқади ва қонун билан ўрнатилади” деган маънода норма киритиш таклиф этилади.

10. Конституциянинг 33-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг митинг, намоёиш ва йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқи белгиланган бўлса-да, ҳозиргача бу ҳуқуқни амалга ошириш механизмини белгиловчи қонун ҳужжати йўқ. Шунинг учун бундай қонунни тегишли инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органлар иштирокида ишлаб чиқиб, кенг халқ муҳокамасига қўйиб қабул қилиш вақти келди.

11. Алоҳида сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи давлат органларининг (биринчи навбатда, сайлов комиссияларини, референдум ўтказувчи комиссияларни) мақомини, ташкил қилиш тартибини, тузилишини, ваколатини

белгиловчи қонунчиликни такомиллаштириш зарур. Бундан ташқари, давлат фуқаролик хизматини такомиллаштириш, бу борадаги қонунчиликни назорат қилиш механизмини кучайтириш лозим.

12. Дунёдаги қатор демократик мамлакатларда сўз, фикр юритиш, матбуот эркинлиги сиёсий ҳуқуқлар сифатида эътироф этилади. Чунки улар сиёсий муносабатлар билан кўпроқ боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб сўз, матбуот, эътиқод эркинлигини бизда ҳам сиёсий ҳуқуқлар қаторига қўшиш таклифи киритилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ЮРИДИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**БЕКМИРЗАЕВ НОДИР БУРХАНОВИЧ**

**КОНСТИТУЦИОННЫЕ ОСНОВЫ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРАВ  
ГРАЖДАН В УЗБЕКИСТАНЕ**

**12.00.02 – Конституционное право. Административное право. Финансовое и  
таможенное право**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии юридических наук (PhD)**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Yu104.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном юридическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tsul.uz/uz/avtoreferatlar](http://www.tsul.uz/uz/avtoreferatlar)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Рахимов Фахри Хайдарович</b> доктор юридических наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Рўзметов Хайрулло Ибодуллаевич</b> доктор юридических наук <b>Турғунов Илхом Турғунович</b> доктор юридических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека</b>

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 при Ташкентском государственном юридическом университете “5” февраля 2021 года в 14:00 часов (адрес: 100047, г. Ташкент, улица Сайилгох, 35. Тел.: (998) 71-233-66-36; факс: (998) 71-233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного юридического университета (зарегистрирована под № 955). (Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. А. Темура, 13. Тел.: (998) 71-233-66-36).

Автореферат диссертации разослан «    » января 2021 года.

(Протокол реестра № «1» от    января 2021 года).

**Р.Р. Хакимов**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

**И.Р. Беков**

Секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат юридических наук, и.о. профессора

**М.А. Ахмедшаева**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)**

**Актуальность и востребованность темы исследования.** Статус стран мира, их роль на международной арене, отношение к ним других стран определяются также отражением политических прав граждан в законах и их реализацией. Исходя из этого возникает необходимость совершенствования и расширения политических прав граждан, разработки механизмов обеспечения их полного претворения в жизнь, участия граждан в управлении государством и соблюдения принципов демократии, проведения научных исследований в данном направлении.

На сегодняшний день в ряде государств наблюдаются различные столкновения, конфликты и незаконные митинги и демонстрации, в результате нарушаются права граждан. В данном процессе важное значение имеет закрепление и соблюдение политических прав граждан. При этом важное значение имеет определение на конституционном уровне политических прав, предусмотренных в международных актах по правам человека — Всеобщей декларации прав человека, Международном пакте о гражданских и политических правах. Это является основным обязательством государств — членов ООН, и на сегодняшний день все демократические государства стремятся к выполнению данного обязательства.

Рекомендуется наладить научные исследования в различных направлениях, таких как правильное определение прав граждан во всем мире, создание эффективных механизмов их обеспечения, усиление гарантий их политических прав, их результаты применяются и рекомендуются к применению в деятельности всех государств. Более того, престижными международными организациями ведется мониторинг истинного положения прав граждан. В некоторых государствах, в частности, в Узбекистане, также применяются результаты научных исследований в докладах, предоставляемых в ООН о состоянии прав человека.

При определении и обеспечении прав человека Узбекистан не ограничивается лишь соблюдением международных документов, но и выдвигает инициативы по дальнейшему усилению механизма обеспечения прав человека в международном масштабе. На состоявшейся 19 сентября 2017 года 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН Ш. Мирзиёев предложил разработать Международную конвенцию по правам молодежи. В ходе Самаркандского форума по правам человека особо отмечалось, что принятие данного документа будет способствовать расширению участия молодежи в политических институтах, что в свою очередь приведет к расширению политических прав. Это тоже порождает необходимость проведения научных исследований по данному вопросу.

В качестве полноправного члена ООН наша страна подходит к правам человека на основе требований международных актов. Права человека, приведенные наряду с “Политическими правами”, закрепленными в нашей Конституции в разделах “Личные права и свободы”, “Политические права” и “Экономические и социальные права”, соответствуют правам,

предусмотренным в конституциях самых демократических стран. Однако жизненный опыт показывает недостаточность закрепления прав человека, в том числе “Политических прав”, лишь в конституции. Если не создать сильный механизм обеспечения прав, нельзя достичь намеченной цели. Поэтому Узбекистаном особое внимание уделяется обеспечению политических прав.

Необходимость обобщения и дальнейшего совершенствования одного из политических прав граждан в Узбекистане — избирательного законодательства послужило основой для принятия Избирательного кодекса Республики Узбекистан.

Пункт 2.2 второго раздела Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах посвящается “Обеспечению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан”<sup>1</sup>, в нем обозначены конкретные меры в данном направлении. Утвержденная указом Президента Республики Узбекистан от 22 июня 2020 года “Национальная стратегия Республики Узбекистан по правам человека”<sup>2</sup> играет важную роль в эффективной реализации задач, обозначенных в данном документе и Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису от 24 января 2020 года, и поднятии механизма обеспечения прав человека на уровень международных требований. Научные исследования, в частности, результаты данного исследования, могут иметь научное значение в претворении этих мероприятий в жизнь.

Актуальность этой темы подтверждают также слова Президента Республики Узбекистан “Безусловное обеспечение принципа верховенства Конституции, закона и принципа законности является важной гарантией защиты прав и свобод человека”<sup>3</sup>.

Результаты исследования в определенной степени будут способствовать реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, законах “Об обращениях физических и юридических лиц” от 9 сентября 2017 года, “Об общественном контроле” от 12 апреля 2018 года и других нормативно-правовых документах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления № 1 “Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики” развития науки и технологий республики.

**Степень изученности проблемы.** Институт политических прав и свобод играет важную роль в государственном и общественном строительстве, формировании правового государства и гражданского общества, в связи с

---

<sup>1</sup> “Собрание законодательства Республики Узбекистан” от 13 февраля 2017 года, №6, статья 70

<sup>2</sup> “Народное слово” от 26 июня 2020 года

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Удовлетворенность народа жизнью – это самая высокая и справедливая оценка нашей деятельности. Т.:Узбекистан, 2018 год, том 2, стр. 39

чем он привлекает к себе внимание специалистов различных сфер, политологов и правоведов.

В нашей стране рассмотрению общетеоретических, общеметодологических аспектов этой проблемы посвящен целый ряд научно-исследовательских работ.

После обретения независимости Республикой Узбекистан эти проблемы в общетеоретическом аспекте были рассмотрены в трудах Агзамходжаева А. А., Азизходжаева А. А., Исламова З. М., Адылкариева Х. Т., Рахимова Ф. Х., Саидова А. Х., Ахмедшаевой М. А., Хусанова О. Т. и Файзиева Ш. Х.

Ученые-правоведы А. Х. Саидов, Х. Б. Бабаев, И. Беков, А. Р. Караходжаева и другие проводили исследования по темам, связанным с конституционными основами политических прав граждан.

